

“ЁШЛАР-КЕЛАЖАГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ”

Муаллиф: Юқори Чирчиқ тумани адлия бўлими юридик хизмат кўрсатиши маркази бош юристконсулти

Ж.Ў.Нишонов

“Ёшларни ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш”

Калит сўзлар: “Ёшларни ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари, жавобгарлик”

Маълумки сўнгги йилларда Республикамизда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга илм олиш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш, спорт билан шуғулланишлари учун ҳукуматимиз томонидан муносиб шарт шароитлар яратилиб келинмоқда. Олинган статистик маълумотларга кўра 2024 йил ҳолатига 30 ёшгача бўлган ёшлар 20 миллиондан ортиқ ёки аҳолининг 55 фоизини ташкил қилади.

Мамлакатимизда ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига етказилиб бу борада Президент ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан бир қатор норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Шу жумладан 2022 йил 07-июн куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 312-сонли қарори қабул қилинган. Ушбу қарорга мувофиқ ижтимоий ҳимояга муҳтож, ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган ёшлар билан «Ёшлар дафтари»ни юритиш орқали ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, олий таълим ташкилотлари талабалари ўртасида интеллектуал соғлом рақобатни шакллантириш, талаба ва ёшларнинг билим ва салоҳиятини янада ошириш ҳамда уларни рағбатлантириш мақсад сифатида кўрсатилиб Республикамиздаги мавжуд маҳалларда “Ёшлар дафтари” юртилиб келинмоқда. “Ёшлар дафтари”га доимий ёки вақтинча яшаш жойи бўйича 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган (31 ёшга тўлмаган) қуйидаги тоифадаги:

- оила аъзоси “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ёки “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган;
- ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган;
- боқувчисини йўқотган, етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган;
- ўзига нисбатан васийлик ёки ҳомийлик белгиланган;
- ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ишга лаёқатсиз;

- I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган;
- фарзандида I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган;
- жисмоний ва (ёки) рухий ривожланишида нуқсонлари бўлган;
- ота-онасидан бирида I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган, иккинчиси эса иш фаолиятини тўхтатган ҳолда беморга қарашга мажбур бўлган ёхуд ота-онасининг ҳар иккисидан I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган;
 - юзага келган ҳолатлар сабабли оғир турмуш шароитида қолган;
 - зўравонлик ва эксплуатация, табиий офатлар, ҳалокатлар, ёнғинлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар оқибатида ҳаётига, соғлиғига, мулкига зарар етган;
- “Меҳрибонлик” уйи, Болалар шаҳарчаси ёки оилавий болалар уйида тарбияланган;
 - ҳақ тўланадиган ишга ёки иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган машғулотга эга бўлмаган;
 - даволанишга муҳтож бўлган бемор ёшлар;
 - жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган;
 - муайян яшаш жойига эга бўлмаган;
 - психологик маслаҳатга муҳтож;
 - никоҳи қайд этилганига уч йилдан ошмаган ёш оила;
 - деҳқончилик ёки томорқа хўжалигини юритаётган;
 - ёш тадбиркор ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтган ёшлар киритилади.

“Ёшлар дафтари”га киритилганларга қандай ёрдамлар берилади?

1. Моддий аҳволи оғир ёшларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатилади.

Моддий ёрдам БҲМнинг 4 бараваригача миқдорда тўлаб берилади.

Бунинг учун бир марталик моддий ёрдам ажратишни сўраб маҳалладаги ёшлар етакчисига ариза берилади.

Моддий ёрдам шахсга бир календарь йил давомида бир мартаба берилади.

2. Ёшларни тадбиркорликка ва касб-ҳунарга ўқитиш курслари харажатлари қоплаб берилади.

3. Ёшларнинг давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ўқув курси харажатларини қоплаш учун субсидия ажратилади.

4. “Ёшлар дафтари”га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларнинг давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ўқув курсининг харажатларини қоплаш учун БҲМнинг 4 бараваригача миқдорда ёшлар етакчисининг ижобий тавсияси

асосида ўқитиш хизматини кўрсатган давлат ва нодавлат таълим ташкилотига субсидия ажратилади.

5. Ўқиш харажатларининг қолган қисми ариза берувчи томонидан таълим ташкилотига тўлаб берилади.

6. Дехқончилик ва томорқа хўжалигини юритиш билан шуғулланаётган ёшларга уруғлик ва кўчатлар харид қилиш учун субсидия ажратилади.

7. Томорқа ер эгаси бўлган ёки дехқончилик билан шуғулланиш учун, шу жумладан, янги ўзлаштирилган, лалми, фойдаланилмаётган ер майдонларида 0,1 гектардан 1 гектаргача ер майдони ажратиб берилган ёшларга уруғлик ва кўчатлар харид қилиш учун БҲМнинг 8 бараваригача миқдорда ҳоким ёрдамчисининг ижобий тавсияси асосида субсидия ажратилади.

8. Ёшларга тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилиш учун нотузар жойнинг ижара харажатлари қоплаб берилади.

9. “Ёшлар дафтари”га киритилган ёш тадбиркор ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтган ёш фуқарога фаолиятини амалга ошираётган нотузар жойнинг 12 ойгача ижара харажатларининг бир йилда 30 фоизи, бироқ БҲМнинг 25 бараваригача бўлган қисми ҳоким ёрдамчисининг ижобий тавсияси асосида ижарага берувчи ташкилотга қоплаб берилади.

10. Ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ўзини ўзи банд қилишга зарур бўлган асбоб-ускуналар ёки меҳнат курулларини харид қилишга субсидия ажратилади.

11. Ёшларга профессионал ва олий таълим ташкилотлари ўқувчи-талабаларининг таълим тўлов-контракт суммасининг бир қисми тўлаб берилади.

12. Ёшларга замонавий касбларни эгаллаши, ахборот технологияларини ўрганиши ва уларни хорижий тилларга ўқитиш бўйича ўқув курсларида ўқиш харажатларини қоплаш учун субсидия ажратилади.

13. Ижтимоий ҳимояга муҳтож иқтидорли ёшларнинг илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги ўқув курслари учун субсидия ажратилади.

14. Ёшларнинг илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги олимпиада, танлов ва мусобақаларда қатнашиш харажатлари учун субсидия ажратилади.

15. Ёшларга таълим, маданият ва санъат, спорт, ахборот технологиялар соҳасига ва фанларни ўқитишга ихтисослашган нодавлат таълим ташкилотининг нотузар жой ижара харажатлари қоплаб берилади.

16. Бемор ёшларга даволаниш харажатлари учун субсидия ажратилади.

17. “Ёшлар дафтари”га киритилган бемор ёшларга мамлакатда ёки хорижий давлатларда даволаниш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун

ёшлар етакчисининг ижобий тавсияси асосида БХМнинг 50 бараваридан ошмаган миқдорда субсидия ажратилади.

18. Психологик маслаҳатга муҳтож ёшларга пуллик психологик хизмат кўрсатилиши билан боғлиқ харажатларни қоплаб берилади.

19. Ёшларнинг сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўташ бадалини тўлиқ миқдорда қоплаш учун субсидия ажратилади.

20. Ёшларга янги турмуш қураётганида ўз хонадонидида қўшимча уй-жой қуриш учун гаровсиз кредит ажратишга кафиллик берилади.

21. “Ёшлар дафтари”га киритилган, никоҳи қайд этилганига 3 йилдан ошмаган ёшларга якка тартибдаги ўз хонадонидида қўшимча уй-жой қуриш учун 33 млн сўмгача гаровсиз кредит ажратишда мувофиқ берилади.

22. Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш оилаларга турар жой ижараси учун субсидия ажратилади.

23. Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш оилаларга 12 ойгача турар жой учун ижара компенсацияси ҳар ойда БХМнинг 3 бараваридан ошмаган миқдорда субсидия ажратилади.

Бунда эр-хотиннинг ҳар иккиси ўттиз ёшдан ошмаган (ўттиз бир ёшга тўлмаган) бўлиши, мулк ҳуқуқи асосида турар жойи бўлмаган, илгари мақсадли дастурлар доирасида имтиёзли ипотека кредитлари орқали квартира ёки якка тартибдаги уй-жойлар билан таъминланмаган, ипотека кредитлари бўйича субсидиялар ёки уй-жойлар таъминоти билан боғлиқ бошқа имтиёزلардан фойдаланмаган ҳамда ҳар иккиси ёки бири “Ёшлар дафтари”га киритилган бўлиши талаб этилади.

24. Ёшларнинг иш билан бандлиги таъминланади, тадбиркорликка жалб қилинади.

Кредитлар ҳоким ёрдамчиларининг тавсиялари асосида 14 фоизлик ставкада:

- оилавий тадбиркорлик, даромад топишга қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган ёшларга — 3 ойдан 6 ойгача бўлган имтиёзли давр билан 3 йилгача муддатга;
- чорвачилик (четдан келтирилган насли қўй ва эчки), балиқчилик ва паррандачилик (тухум йўналиши) учун — 1 йилгача бўлган имтиёзли давр билан 3 йилгача муддатга;
- боғдорчилик, узумчилик ва лимончиликни ташкил этиш, иссиқхона, қишлоқ хўжалиги техникаси ва асбоб-ускуналарни харид қилиш учун — 3 йилгача бўлган имтиёзли давр билан 7 йилгача муддатга ажратилади.

“Ёшлар дафтари”га киритилган ва ўзини ўзи банд қиладиган ёшларга айрим турдаги фаолиятни амалга ошириш (қасаначилик, хунармандчилик, иссиқхона қуриш ва шу қабилар учун зарур хом ашё, эҳтиёт қисм ҳамда қурилиш

молларини сотиб олиш) мақсадида 5 миллион сўмгача миқдорда кредит маблағлари нақд пулда берилиши мумкин.

Кредит суммасининг аниқ миқдори тадбиркор томонидан иш билан таъминланадиган ҳар бир ёш учун 33 миллион сўмгача миқдорда мутаносиб равишда белгиланади.

25. Ёшларнинг хорижда хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси ташкил этилади.

Ёшлар қачон “Ёшлар дафтари”дан чиқарилади?

Ёшлар қуйидаги ҳолларда “Ёшлар дафтари”дан чиқарилади:

- тегишли тоифа бўйича белгиланган амалий ёрдамлар тўлиқ кўрсатилганда (бир марталик моддий ёрдам кўрсатилганлиги бундан мустасно);
- бандлиги таъминланган ёки доимий даромад манбаига эга бўлганда;
- тўлиқ давлат таъминотига олинганда;
- ўз аризасига кўра;
- “Ёшлар дафтари”га ноқонуний киритилганлиги аниқланганда;
- бошқа давлатларга ишлаш ёки доимий яшаш учун чиқиб кетганда;
- суднинг озодликдан маҳрум этишни назарда тутувчи ҳукми қонуний кучга кирганда;
- вафот этган тақдирда ёки суд қарори асосида бедарак йўқолган деб топилганда.

“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларнинг “Ёшлар дастури”га киритилган масалалари тўлиқ ҳал этилгунга қадар уларни “Ёшлар дафтари”дан чиқаришга йўл қўйилмайди.

*Юқори Чирчиқ тумани Адлия бўлими
Юридик хизмат кўрсатиши
Маркази бош юристконсулти
Ж.Ў.Нишонов*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 07.06.2022 йилдаги 312-сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб сайти.
3. Адлия вазирлиги “Хуқуқий ахборот” электрон канали.